

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2022 йил декабрь ойининг 06 куни, жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Т.Алмаматов, судья ёрдамчиси Ф.Турсункуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттакўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси А.Усмонов иштирокида, судланувчи Тухтаев Хабибулло Бахтиёр ўғлига оид 1-1404-2201/241-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи **Тухтаев Хабибулло Бахтиёр ўғли** (Tuxtayev Xabibullo Baxtiyor o'g'li) 1994 йил 25 ноябрь куни Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Каттакўрғон тумани «Янгиқийёт» маҳалла фуқаролар йиғини, «Янгиқийёт» қишлоғида яшайди, эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 22 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми «м» банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Х.Тухтаев 2022 йил 04 октябрь куни соат 11:30 ларда Каттакўрғон тумани «Янгиқийёт» МФЙ, «Янгиқийёт» қишлоғи ички йўлида поччаси И.Чориев билан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолиб, уни қўл ва оёқлари билан танасини турли соҳаларига қасддан уриб-тепиб, «ўртача оғирликдаги шикаст» етказган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Х.Тухтаев айбига қисман иқрорлик билдириб ўз кўрсатувида, яъни жабрланувчи И.Чориев унинг поччаси (опаси Н.Тухтаеванинг турмуш ўртоғи) бўлиши, поччаси И.Чориев ҳеч қаерда ишламасдан унинг опаси билан тез-тез арзимаган сабаблар билан жанжал қилиши, шунинг учун опаси фарзандлари билан 2022 йил август ойида уларнинг яшаш уйига келиб қўйгани, 2022 йил 04 октябрь куни соат 09 ларда у «Янгиқийёт» қишлоғи ички йўлида кетаётган вақтида поччаси И.Чориевни кўриб қолиб, поччасидан опаси билан нима учун урушиб қолганини сўраган вақтида поччаси уни оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилгани, шунда у жахл устида поччасининг юз соҳасига қўли билан икки марта ургани, шунда поччаси И.Чориев ундан ўзини ҳимоя қилиш учун қочиб кетгани, кейин поччасининг орқасидан қувлаб борган вақтида поччаси ўзини ҳимоя қилиш учун ёғоч бўлагини олиб уни урмоқчи бўлгани, шунда у қочиб кетгани, ушбу жанжалда у поччасини ёғоч ёки бошқа жисм билан урмагани, фақат қўлари билан икки марта ургани, поччаси уни ёғоч калтак билан ургани ҳақида ёлғон кўрсатув бераётгани, қилмишидан чин



кўнгилдан пушаймонлигини баён қилиб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Х.Тухтаевнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг ўз айбига қисман иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб берган кўрсатувидан ташқари қуйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини топади.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи И.Чориев ўз кўрсатувида, яъни судланувчи Х.Тухтаев унинг қайнукаси (турмуш ўртоғи Н.Тухтаевнинг укаси) бўлиши, 2022 йил август ойида турмуш ўртоғи Н.Тухтаева билан жанжаллашиб қолган вақтида қайнотаси яшаш уйига қайнукалари билан келиб уни оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб турмуш ўртоғини ҳам олиб кетгани, 2022 йил 04 октябрь куни соат 11:30 ларда у яшаш уйдан кўчага қўшниларидан мош учун элак сўраб чиққан вақтида унинг орқасидан қайнукаси Х.Тухтаев келиб тўсатдан бош соҳасига ёғоч калтак билан уч марта уриб тан жароҳати етказгани, у ерга йиқилган вақтида қайнукаси Х.Тухтаев уни оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилгани, шунда у ўзини химоя қилиш мақсадида қочиб қўшнисининг ховлисига киргани, шунда қайнукаси Х.Тухтаев унинг орқасидан югуриб олиб уни ушлаб олиб уни танасининг турли соҳаларига уриб-тепиб тан жароҳати етказгани, у ерга йиқилган вақтида қайнукаси Х.Тухтаев оёғи билан унинг қовурғасига соҳасига бир неча марта тепиб жароҳат етказгани, шу пайт у бақириб ёрдам сўраган вақтида ҳамқишлоғи «Алишер» аканинг ўғли ва «Олмос» аканинг турмуш ўртоғи келиб ажратгани, шундан сўнг у Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасига олган тан жароҳати бўйича мурожаат қилгани, қайнукаси ёғоч калтак билан фақат унинг бош соҳасига уч марта уриб тан жароҳати етказгани, ушбу жанжалда уни қайнукаси қовурғасига 20 марта тепганлиги оқибатида қовурғаси синганини баён қилиб, суддан Х.Тухтаевга қонуний чора кўришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ М.Чориев ўз кўрсатувида, яъни жабрланувчи И.Чориев унинг ўғли бўлиши, ўғли И.Чориев билан келини Н.Тухтаева 2013 йил октябрь ойида турмуш қургани, 2015 йилдан буён ўғли И.Чориев келини Н.Тухтаева билан оилавий келишмай қолгани, келини Н.Тухтаева уни ўғлининг рухсатсиз отасиникига кетиб қолиши, 2022 йил август ойида ўғли И.Чориев келини билан жанжаллашиб қолганлиги сабабли келинининг ота-онаси ҳамда икки нафар укаси келиб ўғлини оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб келинини ҳам олиб кетгани, кейинчалик билишича 2022 йил 04 октябрь куни соат 11:30 ларда ўғли уйдан кўчага қўшниларидан мош учун элак сўраб чиққан вақтида ўғлининг қайнукаси Х.Тухтаев келиб ўғлини уриб тан жароҳати етказганини баён қилиб, суддан Х.Тухтаевга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Бундан ташқари, судланувчи Х.Тухтаевнинг жиноят содир этганликдаги айби, жиноят ишининг 4-5-варақларидаги билдирги ва ариза, 16-19-варақларидаги экспертиза хулосаси, 53-55-варақларидаги юзлаштириш баённомаси, 56-59-варақларидаги кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фотожадваллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Тухтаевнинг қилмиши—совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёни ишлатиб, солиқ этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган қасддан баданга ўртача оғир



шикаст етказиш сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми «м» банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, судланувчи Х.Тухтаев ушбу жанжалда жабрланувчи И.Чориевни совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашё билан эмас, аксинча қўллари ва оёқлари билан уриб-тепиб унга ўртача оғир шикаст етказган.

Бундай ҳолатда суд, айбдор томонидан жабрланувчига алоҳида квалификация белгилари мавжуд бўлмаган қасддан етказилган ўртача оғирликдаги шикастни ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми «м» бандида назарда тутилган совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёни ишлатиб шахсга нисбатан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шу сабабли суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Тухтаевга нисбатан айб эълон қилишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми «м» бандида назарда тутилган совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёни ишлатиб, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш квалификация белгисини тасдиқловчи асосли ва холисона далилларга таянмасдан, аксинча қўл ва оёқлар билан уриб-тепганлиги натижасида етказилган жароҳатни совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёни ишлатиб, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш сифатида ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми «м» банди билан нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли судланувчининг қилмишини ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми «м» бандидан шу Кодекснинг 105-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи Х.Тухтаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг ўз айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисобга олиб, мазкур жиноятни ғараз ниятларда содир қилганлигини эса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кунидаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 01-сонли Қарорида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, у айбли деб топилаётган моддада назарда тутилган санкция доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, шунингдек, содир этилган жиноий қилмишнинг вақтини, ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини, оқибатини, судланувчининг ёшини, оилавий шароитини ва ижтимоий фаолият турини инобатга олиб, унга нисбатан сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат мажбурий тақиқ (чеклаш) қўллашни ҳамда келгусида қайта жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида унинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик, алкоғолли ичимлик истеъмол қилмасликдан иборат қўшимча тақиқ (чеклаш)ларни юклашни лозим топади.

Суд, судланувчи Х.Тухтаевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни ва гаров учун Самарқанд вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 6.000.000 сўм пулларни судланувчи Х.Тухтаевга қайтаришни лозим топади.

Суд, жабрланувчи И.Чориев суд мажлисида жиноят оқибатида даволаниши учун кетган ҳаражатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаганлиги сабабли,



унга жиноят оқибатида етказилган моддий-маънавий зарарларни ундириш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457,463,465-468,471,472,473,497¹-497¹²-моддаларига амал қилиб суд

Х У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи **Тухтаев Хабибулло Бахтиёр ўғли** (Tuxtayev Xabibullo Bahtiyor o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Тухтаев Хабибулло Бахтиёр ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Тухтаев Хабибулло Бахтиёр ўғли яшаш жойи, яъни Каттақўрғон тумани «Янгиқийёт» МФЙ, «Янгиқийёт» қишлоғида жойлашган яшаш уйидан ҳар куни соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 гача чиқиши чеклансин.

Судланувчи Тухтаев Хабибулло Бахтиёр ўғлига:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-алкоголли ичимлик истеъмол қилмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи Тухтаев Хабибулло Бахтиёр ўғлининг хулқи устидан назорат олиб бориш Каттақўрғон тумани ИИБга юклатилсин.

Жазо муддати, маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Тухтаев Хабибулло Бахтиёр ўғлига нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва гаров учун Самарқанд вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 6.000.000 (олти миллион) сўм пуллар судланувчи Тухтаев Хабибулло Бахтиёр ўғлига қайтарилсин.

Жабрланувчи Чориев Илҳом Мамасавуровичга жиноят оқибатида етказилган моддий-маънавий зарарларни ундириш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум, жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

Т.Алмаматов



Хужжат имзоланган: Алмаатов Темура Куйлибаевич, 06.12.2022

